

«ТАСДИКЛАЙМАН»
ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати» ДУК директори
А.Сарсенбаев
« 2022 йил

Тахтакўпир тумани "Тахтакопир" ПФЙ Боршитаў, Наурыз, Қыз жибек кўчаларини жорий
таъмирлаш смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

- Буюртмачи: ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК
- Лойиҳа учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2022 йил 23-24-февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни.
- Молиялаштириш манбай: Давлат бюджети маблағлари
- Бош лойиҳачи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Бош пудратчи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Қурилиш тури: Жорий таъмирлаш
- Объект жойлашган ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани "Тахтакопир" ПФЙ
- Объектнинг лойиҳавий қуввати: Объектнинг бошланиши, узунлиги, эни ва охири ҳамда ишлар ҳажми нуқсон далолатномалари асосида аниқланади.
- Посёлка ва шаҳарлар кесишмаларида ички йўлининг ҳолати: зарур ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ишлари, йўл базаси ва тротуарнинг алоҳида қисмларини таъмирлаш.
- Ер тури: текис
- Йўлнинг техник тоифаси: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Режалаштирилган техник-иқтисодий асос: талаб қилинмайди.
- Мавжуд ер ости ва ер усти тузилмалари: заруратга асосан фойдаланиш.
- Сунъий тузилмалар: бетон қувурлар ва кўприк элементларини текшириш ҳамда агар керак бўлса таъмирлаш.
- Қоплама тури: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Қурилиш муддати: икки ой
- Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тугатиш: шартнома асосида
- Лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотини молиялаштириш ишлари: Буюртмачи томонидан
- Муҳандислик қидирув ишларининг зарурлиги: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- Топшириш ва қабул қилиш тартиби: Лойиҳа смета ҳужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва 3 нусхада, электрон вариантда ҳамда амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ҳолда буюртмачига топширилиши лозим. Топширилган лойиҳа смета ҳужжатларини буюртмачи корхона томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилиб аниқланган камшиликлар бартарап етилади. Агарда ундан кейин камшиликлар аниқланса, лойиҳачи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини олади. Объектдаги ҚМИ бошланганидан то яқунлангунига қадар, яъни объект фойдаланишга топширилгунгача, лойиҳачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.
- Алоҳида шартлар: Юқори турувчи орган томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда лойиҳачи ташкилот жабовгар бўлиш билан биргаликда, ҳужжатларга ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб ҳужжатларга қайтадан ўз маблағлари ҳисобидан давлат экспертизадан ўтказиш мажбуриятини олади.

Тайёрлаган:  Б.Ерниязов